

14
ОКТАБРЬ
ЖУМА
1955 ИИЛ
—
БАҲОСИ
20 ТИИИН.

СОВЕТ-КАНАДА АХБОРТИ

боялган оналардан 5—9 бола туққан
боялган бўлиб ўстирган 1307 онани ме-
хона депутатлари Тошкент область
ни ижроия комитетининг тақдимида
иш, СССР Олий Совети Президиуми
дан ССР Иттифоқи орденлари ва ме-
дали билан мукофотлади.

2 она I, II ва III даражали «Оналик
лати» орденлари билан ҳамда 1095 она
I даражали «Оналик медали» медал-
билан мукофотланди. (ЎзТАГ).

Барча пахта териш машиналарининг тўла ва юқори унум блан ишлашига эришайлик!

Уртоқ Мирзалиев бригадаси гектаридан 36,5 центнердан ҳосил топширди

Юқоричирик районидagi Андреев номи колхозининг ўртоқ Султонбой Мирзалиев бошчилигидаги бригада а'золари бу йил ўтган йилдагига қараганда анча юқори ҳосил етиштирдилар. Бригадининг меҳнатсевар а'золари пахтани ўз вақтида ера ибодат қилмасдан йиғиб-териш олиш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Бу ерда меҳнат дастлабки кунлардан бошлабқ турги ташкил этилди. Бунинг натижасида пахтани йиғиб-териш ва уни давлатга топшириш сур'ати тобора тезлашди.

Бригадининг барча а'золари КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилди юқори кўрсаткичларга эришдилар. Илгор термичилардан Халима Сайдова 10 октябрда 4540, Жингугу Сайдова 5125, Мақсуда Мирхўжаева 5382 ва Махбуба Йамоева 5200 килограммдан юқори сифатли пахта тердилар. Илгор термичилар сафининг ўсиши бригада бўйича пахта тайёрлашни тезлаштиришга катта ёрдам берди. Натижада бригада бўйича пахта тайёрлаш йиллик плани муддатдан илгари — 10 октябрда 101,5 процент қилиб бажарилди. Бригада а'золари 42 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан палланида 36 ўригача 36,5 центнердан ҳосил топширишга муваффақ бўлишди.


Шонли партизанин XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақани қилиб қўйилган ҳар қачондан ҳам унумли ишлаётган бригада пахтакорлари барча имкониятларини ҳисоблаб чиқиб қўшмача равишда ҳар гектаридан ана 8,5 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олдилар.

Зиммамизга олган бу юқори мажбуриятни қўйилган ҳосил ҳали даламизда кўп, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Мирзалиев, — биз ана шу ҳосилни барвақт йиғиб-териш олиш учун барча кучни сафарбар қилаётимиз.

Аванслар ўз вақтида берилмоқда

Оржоникидзе районидagi Сталин номи колхозда давлат пахта топшириш сентябрь ойи графиги охири бажарилди, октябрь ойида пахта териш аяда қучайтириб юборилди. Колхознинг айрим бригадаларида термичилар ўз вақтида жадваллаштирилган. Масалан ўртоқ Гулмираев бошлиқ бригада а'золари сентябрда йиллик планини 40 ўригача 53 процент микдорда пахта тайёрлашди. Бу бригада а'золари ҳозир ҳам колхозда ҳаммадан элдинда бораётганлиги ма'лум қилади. Улар айниқса Сталин номи колхозда оммавий-сиёсий ишларнинг яхши йўлга қўйилганлигини таъкидлаб ўтадилар. Колхоз партия ташкилоти колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни ҳар қачондан ҳам қучайтириб, илгор термичиларнинг иш таъбирларини кенг оммалаштирмоқда. Бригадаларга малакали агитаторлар бориштирилди.

Мирзачўл районидagi Ленин номи, «8-чи Март» колхозларидан хабар ёган Х. Сагизов, Э. Рўзибоев, М. Абдураимов, С. Азимов ўртоқлар ҳар иккала колхозда ҳам меҳнат кўтаринкилигини, термичиларнинг социалистик мусобақа асосида меҳнат қилиб, янгидан-янгидан йўлларни қўлга киритаётганлигини ма'лум қиладилар. Колхоз правлениеси кўпмунчилик термичиларнинг сафини тобора кенгайтиришни таъминлаш мақсадида уларга моддий-маиший шартонни яратиб бермоқда. Натижада



Суратда: илгор механик-ҳайдовчилардан Б. Узаиров ва Н. Киселев ўртоқлар Октябрь районидagi Киров номи колхозининг 1-ини бригадасида СХС—1,2 маркали янги машина блан пахта термоқдалар. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Пахтанинг бир граммини ҳам нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териш олайлик

(Газетчиликларимиз хатларига обзор)

Шу кунларда областимизнинг кўпгина колхозларида пахта йиғим-терим кундан-кунга қучайтирилиб, юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Айниқса, меҳнат йиғими муостаҳкамланган, термичилар устидан доимий контроллинг ўрнатилган ҳамда колхозчиларга маданий-маиший шартон яхшиланган колхозларда йиллик план маррага тобора яқинлаштирилмоқда. Ана шундай колхозлар, бригада ва аъзолар ҳақида редакциямизга кўп хабарлар келаётди.

Областимизнинг барча колхозларидаги сингари Охангарон районидagi Каганович номи колхозда ҳам пахта йиғим-терими партизанин XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақа асосида олиб борилаётган. Колхознинг барча термичилари, — деб ёздилар А. Оғабсаров, М. Бўриев ва Т. Раҳмонов ўртоқлар, — кўпмунчилик ҳаракатига қўшилди, кунлик нормани 1,5—2 ҳиссадан ошириб бажармоқдалар. Пахта териш ва уни давлатга топширишда ўртоқ Ашир Аскарлов бошлиқ бригада а'золари бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Колхоз а'золари барча ишчи кучлари ва моддий-техникадан тўғри ва унумли фойдаланган ҳолда йиллик пахта тайёрлаш планини Улуз Октябрь Социалистик революциясининг шонли 38 йиллиги қунига бажариш учун курашаётганлар.

Ўртасарой районидagi Сталин номи, Бўдёнли номи колхозлардан хабар ёган И. Ибодов, К. Султонов ўртоқлар ҳар иккала колхозда ҳам пахта териш ва топшириш сур'атининг кундан-кунга ортиб бораётганлиги ма'лум қилади. Улар айниқса Сталин номи колхозда оммавий-сиёсий ишларнинг яхши йўлга қўйилганлигини таъкидлаб ўтадилар. Колхоз партия ташкилоти колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни ҳар қачондан ҳам қучайтириб, илгор термичиларнинг иш таъбирларини кенг оммалаштирмоқда. Бригадаларга малакали агитаторлар бориштирилди.

Мирзачўл районидagi Ленин номи, «8-чи Март» колхозларидан хабар ёган Х. Сагизов, Э. Рўзибоев, М. Абдураимов, С. Азимов ўртоқлар ҳар иккала колхозда ҳам меҳнат кўтаринкилигини, термичиларнинг социалистик мусобақа асосида меҳнат қилиб, янгидан-янгидан йўлларни қўлга киритаётганлигини ма'лум қиладилар. Колхоз правлениеси кўпмунчилик термичиларнинг сафини тобора кенгайтиришни таъминлаш мақсадида уларга моддий-маиший шартонни яратиб бермоқда. Натижада

75 киши 10—15 минг килограммдан пахта теришга аҳд қилди. 5 киши 20 минг килограммдан пахта териш юзасидан конкрет мажбуриятлар олдилар. Илгор термичилар ўз аҳдларини тўла адо этиш учун фидокорона меҳнат қилиб, кунлик нормани 2,5—3 ҳиссадан ошириб бажарётганлар. Термичилардан С. Маматова, Ф. Мустафина, А. Маразанова, Б. Исомилова каби ўнлаб термичилар кунига 220—250 килограммдан ошириб пахта тераштирлар.

Гулистон районидagi «Красная заря», Хрунчев номи колхозларининг меҳнатсевар а'золари пахта йиғим-теримини ҳар қачондан ҳам жадвал сур'ати билан олиб бораётганлиги ҳақида Р. Раҳмонбердиев, Т. Рўзибоев, Р. Тониев, А. Бобокулов ўртоқлар хабар қиладилар. Айниқса, Хрунчев номи колхозининг ўртоқ А. Нўрмошев бошлиқ бригада а'золари пахта теришда ва топширишда янгидан-янгидан муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Улар социалистик мусобақа асосида гайрат блан меҳнат қилиб, 3800 килограмм ўригача кунига 4500—5000 килограммдан пахта тайёрлаб, графикни 2,5 процентдан ошириб адо этмоқдалар.

З. Ортинов, Т. Ҳайдаров ўртоқлар Сирдарё районидagi «Ҳақиқат», Тарас Шевченко номи колхозларининг илгор термичилари ҳақида хабар қиладилар. «Ҳақиқат» колхозининг илгор термичиларидан ўртоқ Маматова Нўрмошев соатлик график асосида пахта териб, барча колхозчиларнинг ҳурматида сазовор бўлмоқда. У, бир кунда 380 килограмм етказиб пахта тайёрлаётган.

Шуниингдек, Д. Содинов, А. Каримов, С. Раҳматов, М. Муротов, А. Раҳматиев ўртоқлар Чиноз районидagi Ленин номи, Октябр районидagi Ворошилов номи, Вороп-волинск районидagi Жданов номи, Ўлғиёул районидagi Петров номи колхозларининг пахта териш ва топширишдаги муваффақиятлари ҳақида ёздилар.

Вазифа етиштирилган мўл ҳосилни ера нобуд қилмай тезда йиғиб-териш олинган илборатди. Бунинг учун барча колхозларда ҳамма имконият бери. Колхозларнинг правленилари барча ишчи кучи ва моддий-техникадан тўғри ва унумли фойдаланган ҳолда ҳа қилуви Октябрь ойининг ҳар соат, ҳар минутидан тўла ва баракали фойдаланишлари ҳамда партизанин XX с'езди шарафига бошланган мусобақани аяда қучайтиришлари керак.

ва қолоқлиги бу ишга катта зарар етказмоқда. Техника процесси манфаатлари қолоқликка, қийратиш ва четалардан техника ютқуларига етарли баҳо бермасликка қарин кескин кураш олиб боришни талаб қилади.

Шуни асда тутиб қарақки, капиталистик мамлакатларда экономиканинг милитаризация қилиниши, конкуренция ва монополияларнинг янги кўп бўлиб олиш йўлидаги урушлариди таъсирда сапоатини бирдатор тармоқларида техника илгари елдики. «Бизнинг вазирамиз шуки, деди ўртоқ Булганин КПСС Марказий Комитетининг июль пленумида, — тузумимизнинг афзалликларида фойдаланиб, чет мамлакатлардаги фан ва техника муваффақиятларидан ўзиб етишимиз лозим».

КПСС Марказий Комитетининг июль пленуми бугун ҳалқ ҳўжалигимизнинг етакчи тармоғи бўлган социалистик саноатини кескин суратда аяда ривожлантириш, техникани таъминлаштириш ва ишлабчиқаришни ташкил этишни аяда яхшилаш учун курашнинг жангавор программасини белгилаб берди.

Пленум техника процессида мавжуд бўлган камчиликларини тезда тутатиш, минералларда ва торхоналарда техника информацияни хизматини тўбдан яхшилаш, илгор таъбирларини оммалаштиришни ташкил қилиш ишини йўлга солиш, четалардаги прогрессив олимлар блан аълолини кенгайтиришни талаб қилди. Яқинда партия ва ҳукуматнинг қарори блан СССР Министрлар Совети ҳузурида янги техника бўйича Давлат комитети ташкил этилди. Бу комитетнинг ташкил этилиши илгор фан, техника ва технология ютқуларини ҳалқ ҳўжалигига яхшироқ жорий қилиш ва иллий-техника пропагандасини қучайтириш имкониятини беради.

Меҳнаткашлар оммасининг — олимлар, инженерлар ва техниклар, ихтирочилар ва рационализаторлар, социалистик ишлабчиқариш новаторларининг ижодий активлиги — техника процессининг битмас-туғамаси манба иди. Улар ўзларининг қимматли таълифлари ва талабқўслари блан янги техникани жорий қилишни таъминлабқина қолмай, балки мавжуд техникани янгилаш, машина ва механизмлар-

нинг қидамчилигини ва иш муддатини ошириш, уларнинг вазиини қамайтириш, ҳарқид ишлабчиқариш процессларининг технологиясини таъминлаштириш имкониятини ҳам берадилар. Масалан, Магнитогорск металлургия комбинатида домна цехининг ишлаб чиқарш новаторлари коммунистар А. Шатилин, В. Горностеев, И. Овсянниковлар домна печьларининг иш унумини дунёда ҳозиргача мисли қўрмайган даражада оширишга эришдилар. Москвадаги қаттиқ қотишмалар комбинати 1-нчи цехининг бўлим бошлиғи А. Невин рационализаторлар ва ихтирочилар бригадаси блан биргаликда лойфалачилар учун қаттиқ қотишмалар қилинган фрезани конструктори қилди. Бу ихтирочилар қиммати шундаки, илгари лойфалачи саноатда қаттиқ қотишмалардан фойдаланганмас эди. Бу фрезани «Парижская коммуна» лойфалачи фабрикасида синаб қўриш яхши натижага берди. Нўздан қилинган фреза 10—15 буюмни ишлава, қаттиқ қотишмалар қилинган фреза 3 мингдан кўп буюмни ишлади.

Бу мисоллар меҳнат унумини ошириш йўллари қидириб топшун новаторларимизнинг катта ижодий ишини бошлаб юборганликларида далолат беради.

Меҳнаткашларнинг оммавий-ижодий ҳаракати КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақада янги куч блан аяда олмақда. СССР меҳнаткашлари Коммунистик партиянинг XX с'ездини мубоноиб совғалар блан қўйиб олишга аҳд бўлаб, 1955 йил ишлаб чиқариш планини муддатидан олдин бажариш, мамлакатда социалистик ишлаб чиқариш аяда юксалтириш юзасидан янги мажбуриятлар олмоқдалар. Коммунистик партия раҳбарлик қилаётган совет ҳалқининг меҳнат соҳасидаги жасорати ва юксак ижодий активлиги мамлакатимизда социалистик мусобақа асосида ҳалқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларини юксак даражада аяда ривожлантиришнинг гаровидир. Бу аса мамлакатимизда техникани аяда тараққий атиришга, коммунистик жамият қуриш ишига қўйилган катта ҳисса бўлади.

А. ХОТЕЕВ,

иқтисодий фанлар кандидати.

Киров номи колхоз терим машиналаридан яхши фойдаланмоқда

Ўуа баргари тўқилмаган далаарла пахта териш машиналаридан фойдаланиш жуда қийин бўлади. Бўлиб ўтган қорасовуқдан кейин терим машиналаридан тўла фойдаланиш имконияти туғилди. Пахтани йиғиб-теришнинг ҳозирги кунларида ҳарбир соат, ҳатто ҳарбир минут ҳам ганимат. Шунинг учун пахта теримиди барча резервлардан тўла фойдаланиш блан бирга мавжуд терим машиналарини тўла ишга солиш, пахта тайёрлаш сур'атини кескин оширишда ҳал қилуви роҳ ўйнайди.

Октябрь районидagi Киров номи колхозда терим машиналари ишга туширилган кунига 20—22 тонна орасида пахта терилаётган эди. 25 сентябрда бошлаб 15 та пахта терим машинасини ишга туширишди. Шу куннинг ўзидаёқ колхозда 56 ярим тонна пахта терилди. Бундан 23 тоннасини 485 киши кўлда терган бўлса, 33 тоннадан кўпроги машина блан терилди. 15 та машина бир кунда 485 кишининг терганидан қарийб бирим баравар кўп пахта териб берди. Демак терим машиналари туфайли пахта териш сур'ати анча ошиб кетди. Колхозда машиналар ишга туширилган кунига 1 процент пахта тайёрлаётган бўлса, машина теримидан бошлаб кунига пунктта 2,5—3 процентдан пахта тайёрлаётган.

Терим машиналарининг пахта тайёрлашдаги ролини қамситиш ҳоаларига барҳам бериш, ҳарбир колхоз ва совхозда барча машиналарни тўла ишга тушириб, улардан максимал фойдаланиш керак. Практика, терим машиналаридан дуруст фойдаланиш учун зарур шартон яратиш, машина блан пахта териниш тўғри уюштириш заруриятини кўрсатмоқда. Бунда Киров номи колхоздаги

ишнинг уюштирилиши анча диққатга сазовордир. Бу колхоз правлениеси машина блан пахта териниш уюштириш учун пухта тайёргарлик қўлди. Далаар тозаланди, қайрилиш жойлари очилди, ўқаридлар қўйилиб яхши текисланди, терим учун зарур моддий-техник воситалар вақтида тахт қилиб қўйилди. Шунинг учун колхозининг ҳарбир бригадасида 2—3 тадан пахта терим машиналарини ишга тушириш мумкин бўлади.

Колхозда ҳарбир терим машинасига хизмат кўрсатиш учун 3—4 юки, УПХ-1,5 машинада ишлаш учун 4 киши ажратилган. Бундан ташқари хирмонда пахтани қуритиш ва қоплашда ҳам етарли киши бор. Ҳарбир бригадда икки, уч машина пахтасини бўшатини учун 6—8 тадан шолча ҳозирланган. Шолча етарли бўлгани учун иккилар бункердан тушган пахтани шолчанинг ўзига тўқиб, дарҳол аравага ортмоқдалар. Шунинг учун машина ҳам тўхтаб қолмаётди, қоплаш учун алоҳида меҳнат ҳам сарф этилмайди. Демак меҳнат унуми ешмоқда.

Механик-ҳайдовчилар агрегатининг техник қарови қондаларига тўла амал қилмоқдалар. Улар ишдан кейин машинани текшириб, тозалаш блан бирга артаси кун уни ана бир кўздан кеңирай туриб, теримга киришмайдилар. Бу аса машинанинг кун бўйи тўхтамасдан ишлатилиши таъмин етаётди. Механик-ҳайдовчилар иш пайтида машинанинг равон ишлашини кузатиб турадилар. Пахтанинги шпиндельларга ўрналишиб, қабул камерига тикилиб қолганига йўла қўймайдилар. Шпиндельларини ювиб, тозалаш турадилар.

Далачилик бригадаларининг бошқалари машина теримининг сифатига зўр

а'тибор берадилар. Агар пахта ерга ортиқча тўқилса дарҳол машинани тўхтадириб, механик-ҳайдовчилардан ишга тузатишни талаб қиладилар. Бундай ҳоаларда пахтанинги ортиқча тўқилиш сабабларини аниқлаб, тезда тегишли чора қўрилади. Натижада машина ўтганда пахта кам тўқилиб, бу пахтани терим учун сарфланган меҳнат ҳам тежалмоқда.

Трактор бригадаларининг механиклариди ҳамда уларнинг ёрдамчилари, механик-ҳайдовчиларга яқиндан ёрдам бериб, машиналарининг техник камчиликларини туфайли тўхтаб қолмаслигига эришайтирлар.

Далачилик бригадаларига бириктирилган машиналар группалаб ишлатилмоқда. Бир суғориш участкасининг пахтаси терилиб бўлагач, барча машиналар навбатдаги суғориш участкасига қўйирилади. Бунда ҳарбир агрегат блан алоҳида загонлардаги пахта терилади. Бу аса ҳарбир механик-ҳайдовчининг иш сифатини ва меҳнатини тўғри ҳисобга олиш имкониятини бераётди.

Механик-ҳайдовчилар қат'ий белгиланган кун тартибига мувофиқ ишламоқдалар. Улар артабаш шудрини кўтарилганига қараб соат 9—10 да теримни бошлайдилар. Соат 1 дан 2 гача далаининг ўзига оқатланиб, ҳам оладилар. Кейин қоронгу тушганча аяа теримни давом етирилади.

Барча колхоз ва совхозларда ҳам пахтани машина блан шу ҳилда теритиш уюштирилади. Терим машиналарини қамситиш кайфиятларига барҳам бериш, агрегатларини унумли ишлатиш учун зарур шартон яратиш керак.

И. ДАВИДОВ,

СоюзНИХН иллий ходими.

Чиноз районида пахта териш машиналари нима учун унумсиз ишламоқда?

Чиноз МТСининг механизаторлари ўтган йили фидокорона меҳнат қилиб, машина блан пахта теришда юқори кўрсаткичларга еришган ва натижада колхозчиларнинг кўл меҳнатларини анча енгиллаштирган эдилар.

Ўз агрегати блан 100 тоннадан ошириб пахта терган Забейкостон ССР Олий Советининг депутаты Василий Вибаров ва Ўрташ Райкомзулов каби механик-ҳайдовчиларнинг номларини областимиз пахтакорлари ҳўрмат блан тилга олардилар.

Афсуски, бу йил аҳвол бутунлай бошқача. Колхоз далаларини айланган киши пахта терим машиналарининг ҳаддан ташқари унумсиз ишлатилганини, кўпчилик колхозларда 4—5 талаб машина ер четига чиқариб қўйилганлигини кўриб ачинади. Ҳўш, бунинг асосий сабаби нимада? Нима учун Чиноз механизаторлари ва уларнинг раҳбарлари шу шўҳратларини йўқотиб қўйдилар?

Даставвал шунини айтиш керакки, МТС раҳбарлари ўтган йилги ютуқлар блан мағрурланган, бу йил хотирхам бўлиб қолдилар. Улар машина блан пахта терим кампаниясига пухта тайёргарлик қўрмадилар. Колхоз раҳбарларидан ўз вақтида талаб қилинмаганини, тўғри контроллинг уюштирмаганини сабабли пахтаси аса машина блан териладиган ерлар белгиланган микдорда ажратилмади, машина қайриллаган жойлар текисланмади, кўприқлар тузатилмади. Бунинг устига МТС раҳбарларининг ўз вазифаларига ўтакетган даражада совуққонлик блан қарашлари натижасида машиналар ремонтни ҳаддан ташқари кечиктириб юборилди.

Йўл қўйилган ана шундай нуқсон ҳамда камчиликлар механик-ҳайдовчиларнинг ҳозирги қизил кунларда унумли ишлатишнинг тўқилиши қилмоқда. Бунинг раёндаги ани йилик Сталин номи колхоз миқсоида яққол кўриш мумкин. Биз колхоз пахта далаларини айланар эканмиз, 9-нчи бригадда 4 машинанинги ишламай, бекор турганини кўрдик. Бу ҳақда колхоз раиси ўртоқ Мундан сўраганимизда, у, «пахталаримиз яхши очилмапти» деган важи кўрсатди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 13 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

М А' Л У М О Т

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Охангарон	1,57	65,05
Пискент	1,27	62,68
Ўртасарой	1,97	62,58
Оржоникидзе	1,30	60,91
Юқоричирик	1,53	57,10
Мирзачўл	1,36	56,08
Октябр	1,65	54,23
Сирдарё	1,71	53,00
Бўка	1,38	52,64
Верхне-волинск	1,43	51,71
Янгийўл	1,46	50,74
Оқўрғон	1,78	50,53
Гулистон	1,21	49,53
Ўртачирчиқ	1,28	49,49
Чиноз	1,26	47,40
Калинин	1,36	44,85
Ховос	0,28	43,96
Қуйичирик	1,48	42,10
Бекобод	0,91	39,85
Бойвот	0,83	36,65

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 13 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

М А' Л У М О Т

(процент ҳисобида)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
4-нчи Вревский	1,54	64,62
«Малик»	1,68	54,18
16-нчи совхоз	2,46	48,71
17-нчи совхоз	1,96	42,68
«УзССР бешйиллиги»	1,48	42,10
1-нчи «Бойвот»	1,29	41,18
2-нчи «Далварзин»	1,11	41,17
3-нчи «Далварзин»	1,22	39,05
3-нчи Вревский	—	37,50
1-нчи «Далварзин»	1,23	36,23
4-нчи «Бойвот»	0,61	33,30
2-нчи «Бойвот»	0,53	32,82
3-нчи «Бойвот»	1,05	31,94
Кўкорол	0,47	24,59
10-нчи совхоз	0,44	15,16

У. ЖОНГИТОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

БМТ Бош Ассамблеясининг X сессияси

Сиёсий комитетда В. В. Кузнецов нутқи

НЬЮ-ЙОРК, 12 октябрь. (ТАСС). СССР делегациясининг бошлиги В. В. Кузнецов БМТ Бош Ассамблеясининг Сиёсий комитетда атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш масаласи муҳокама қилинганда 11 октябрда сўзга чиқиб, бу кўрилатган масаланинг барча мамлакатлар ҳақлари учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини қайта қилиб ўтди.

Атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш тақдирда, деярли атом энергияси жуда катта тараққиётга эришди, бу тараққиётнинг нақадар катталигини ва хилма-хиллигини айтиб адо қилиб бўлмайди. Брок, бу ҳолатда камшифтдан уруш мақсадлари учун фойдаланишдан бўлса, бу камшифт инсониятнинг бошга соғинс-саносиз оғир оқибатларга кўндалган солади.

Атом энергияси соҳасида ишлаётган олимлар ва инженерларнинг асосий куч ва ғайратлари атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланишга қаратилмасдан, балки вайрон қилиш кучи тобора кўпайиб бораётган ядро қуроли тайёрлашга қаратилишга индамай қараб туриб бўлмайди. Атом қуроли тақиқланмас экан ва инсоният атом қуроли ёрдами билан қилинадиган қирғин уруш ҳаётидан халос этилмас экан, давлатларнинг асосий куч ва ғайратлари атом энергиясини тинч мақсадларда эмас, балки ҳарбий мақсадларда фойдаланишга муқаррар қаратилмавлари; атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш масаласи аниқ иккинчи ўринга суриб чиқарилаверди.

Атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш масаласини муҳокама қилаётганимизда, — деб давом қилди СССР вакили, биз давлатларнинг энг муҳим вазифаси бўлган нарсани, я'ни халқларни атом уруш ҳаётидан халос қилиш вазифасини наърдан қочирмаслигимиз ва иккинчи ўринга суриб қўймаслигимиз лозим. Атом қуроли ишлаб чиқаришни ва қўлланишни тақиқлаш тўғрисида халқаро битим тузилиши шу мақсадга жавоб берган бўлар эди. Бу битим инсониятни атом уруш ҳаётидан халос қилиш, халқаро кескинлигини юмшатиш, давлатлар ўртасида ўзаро ишончли муносабатларни тасвиблигини бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, инсониятнинг бахт-саодати йўлида атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида кенг ва энг самарали халқаро ҳамкорлик қилиш учун ҳам шароит туғдирган бўлар эди.

Совет ҳукуматида келганда, у, атом қуролини тўла равишда тақиқлаш проблемасини тезроқ ҳал қилиш зарур деб ҳисоблаб, бу тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли органларида ҳам, шунингдек бошқа халқаро уюштуруларда ва кенгашларида ҳам биринча марта тегишли тақлифларни тақдим этди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қўролсизлаш комиссиясининг Кичик комитетида СССР томонидан 10 майда тақдим этилган тақлиф ҳам шу вазифани қўзғатади. Бу тақлиф ядро қуролини ва бошқа ҳил яли қирғин қўроқларининг ҳамма турларини қўлланишни, ишлаб чиқаришни ва сарфлашни тақиқлаш, барча қуроли кучларини ва оддий тишдаги қўроқ-ароқларнинг ҳаммасини анча камайтириш, шунингдек келишиб олинган тақиқлашлар ва камайтиришларнинг ядро этилишини кузатиб турадиган самарали халқаро контрол ўрнатиш тўғрисида битимга келишни кўзда тутиди.

В. Кузнецов айтдики, Совет Иттифоқи атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланишга бағишланиб қабул қилган Халқаро илмий-техника конференциясида актив қатнашди. Совет ҳукумати, — деди Кузнецов, — атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида кенг равишда халқаро ҳамкорлик қилиш ишига катта аҳамият бериб, бу соҳадаги ўз муваффақиятларини сир қилиб сақламайди ва ўзаро манфаатдорлик шартлари билан ўз тажрибаларини бошқа мамлакатларга ўргатаётди. Совет олимлари конференцияда 102 та илмий доклад тақдим этдилар.

Атом энергияси билан ишлайдиган ва жаҳонда биринчи бўлган электростанция тўғрисидаги доклад Совет Иттифоқи томонидан конференцияга тақдим этилган асосий докладларнинг бири бўлди. Конференция очилиш вақтида СССР Фанлар академиясининг атом электростанцияси узлуксиз ишлаб-ишлатишга бир йилдан кўпроқ вақт ўтган эди. Электростанция 15 миллион киловатт—соатга кўпроқ электр қуввати ҳоли қилиб бериб. Ҳозирги вақтда бу электростанция янада қувватлор атом электростанциялари қуриш учун реал базисдир. Совет Иттифоқида атом энергияси билан ишлайдиган, 50 ва 100 миң киловатт қувват берадиган электростанциялар қуриш учун проектлар тузилади.

Кузнецов айтдики, Совет Иттифоқи Женевада ўтказилган сингари конференцияларини мунтазам равишда қайтариб туриш мақсадидаги тақлифларни қўллаб-қувватлашга тайёрдир ва бундай конференциялар вақт-вақти билан, иккинчи бўлса ҳар йили бир мартадан қайтарилади, деб исхот билдиради. Шу мақсад учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеянинг X сессиясида тақлиф этилган консултация комитетининг ишлаш муддатини узайтириш мақсадаги мувофиқ бўлар эди. Бу консултация комитет атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланишга бағишланиб, август ойида Женевада ўтказилган конференциянинг программасини ишлаб чиқиш ва шу конференцияни тақлиф этишда беш секретариатга ёрдам бермоқ учун тузилади эди.

Брок, асло нормал бўлмаган шу нарсани айтмасдан ўтиб бўлмайди, — деди Кузнецов, — Хитой Халқ Республикасининг ва Германия Демократик Республика-

сининг олимлари Женева конференциясида қатнашиб имкониятдан маҳрум қилиндилар.

Атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида Совет Иттифоқининг бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш масаласига ўтиб, Кузнецов бундай деди:

Совет ҳукумати инсон ақл-иқроқининг энг улуғ кашфиёти — атомдан ҳосил қилинган энергияни бутунлай инсониятга хизмат этириш учун изчиллик билан қўришиб, атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ёрдам берадиган тадбирларни кўрмоқда.

Қирғиздан кўпроқ мамлакатдан келган юзлаб олимлар, сиёсий арбоблар ва савдо-саноат доираларининг вакиллари СССР Фанлар академиясининг атом электростанциясини бориб кўрдилар. Олимлар кучли ишқал физик машиналар—элементар заррача-тезлаткич машиналар билан танишдилар. Совет Иттифоқида бу машиналардан атом ядроларининг тузилишини ва атом ядролари ичиндаги кучларни янада ўргатиш учун фойдаланилмоқда.

Совет олимлари ядро физикаси соҳасида ва радиактив изотоплардан фан, техника, саноат, қишлоқ хўжалиги ва мединининг хилма-хил соҳаларида фойдаланишга доир маълумотларнинг аниқлиги кримиин СССР Фанлар академиясининг шу йил июль ойида бўлиб ўтган сессиясида ўқилган 83 докладга а'ён қилинлар. СССР Фанлар академияси июль сессиясининг ишларида совет олимларидан ташқари яна 24 мамлакатдан келган четэл олимлари ҳам қатнашди.

Совет ҳукумати ўзаро манфаатдорлик шартлари билан ўз тажрибаларини бошқа мамлакатларга ўргатиш тадбирларини кўрди. Совет ҳукуматининг тақлифлари кўпгина мамлакатларда қизғин равишда ма'қулланди.

1955 йилининг бошида Хитой Халқ Республикаси, Польша, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Руминия, Болгария ва Венгрия ҳукуматлари олимлар ва инженерлардан иборат делегацияларини Совет Иттифоқига юбордилар.

Мазкур делегациялар тезлаткич машиналарнинг ва атом қозонларининг ишлари билан таништирилганларидан кейин, делегацияларнинг а'золари мазкур мамлакатларда тажриба учун қурилиш лозим бўлган атом қозонлари ва тезлаткичларнинг тишларини Совет Иттифоқи мутахассислари билан биргаликда муҳокама қилишди. Мана шундай муҳокама қилиш натижасида тавсиялар ишлаб чиқилди ва шу тавсиялар асосида Совет Иттифоқи билан ўша давлатлар ўртасида битимлар тузилади.

Шу битимларга мувофиқ, Совет Иттифоқи мазкур мамлакатларнинг ҳарқайсида илмий-экспериментал базалар қуришда қатнашмоқда, шу мақсадлар билан атом қозонлари учун ускуналар ҳамда зарур асбоб ва ускуналарни бўлган тезлаткичларга етказиб бермоқда. Совет мутахассислари ускуналарни монтаж қилишда, агрегатларни ишга туширишда ва уларнинг ишчи йўлга қўйишда ёрдам бермоқдалар.

Мазкур мамлакатларнинг ҳаммаси ўз атом қозонларини қуриб битказиб ишга туширилганларига СССР да тайёрланаётган изотоплардан олиб туришлари мумкин. Совет Иттифоқи радиактив изотопларни ҳечбир қечмай ёки махсус шартлар қўйиб бермоқда, я'ни ҳарқандай химия маҳсулотлари қаторида бермоқда. Совет Иттифоқи ўзи билан тегишли битимлар тузган мамлакатларга атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланишга доир зарур илмий-техника ҳужжатларини ҳам бермоқда.

Совет Иттифоқи СССР билан битим тузган ҳарбир мамлакат прараидида ўз мутахассисларининг кучлари билан ядро физикаси соҳасида илмий тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказоладиган бўлиш ва атом энергиясини фойдаланиш ишларини ривожлантирадиган бўлиш, шунингдек радиактив изотопларни қўлланишга доир ишларни ўзи бажарадиган бўлиш, деган битим билан ўз тажрибаларини атом энергиясини тинч мақсадлар учун фойдаланиш соҳасидаги ўз тажрибаларини ўша мамлакатларга ўргатмоқда.

Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларда илмий-тадқиқот базалари қуришда ўзининг қатнашмаётганини, атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида илмий қадрлар тайёрлашда ўзининг ёрдам бераётганини коммерция иши деб қараётгани билан бу битим учун сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ёки бошқа характердаги бирон талабларни шарт қилиб қўймагани йўқ. Гари, атом қозонлари ва тезлаткичлар конструкцияларини ишлаб чиқмоқ учун Совет Иттифоқида катта маблағлар сарфланган бўлса ҳам, лекин Совет Иттифоқи бу ишларга доир илмий-техника ҳужжатлар ва тажрибаларнинг ҳаммасини бошқа мамлакатларга беришга, етказиб берилаётган шу ускуналарни ясаш ва тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган ҳақиқий харажатларни қоплаш учунгина пул олмақда. СССР билан шартнома тузаётган мамлакатлар билан СССР ўртасидаги бундай муносабатлар атом энергиясини ва янги радиактив моддалардан фанни янада тараққий этдириш аэкономияни яқсатириш ва халқлар фаровонлигини яқсатиш йўлида фойдаланиш ишларида қилинаётган ҳамкорлигини ривожлантирмоқ учун зарур негизлар вужудга келтирмоқда.

Кузнецов айтдики, Совет Иттифоқи ўзаро тажриба айирболаш ва ёрдам кўрсатиш ишлари ўзи ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган давлатлар доирасини кенгайтиришга тайёр эканлигини билдиради.

Совет ҳукумати атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида

бошқа мамлакатларга ёрдам кўрсатишдан иборат кенг программани амалга ошираётганини билан бирга, — деди сўнгра Кузнецов, — бу соҳада халқаро ҳамкорлик қилишга ёрдам берадиган бошқа тадбирларнинг ҳам қўллаб-қувватламоқда. Чунончи, Совет ҳукумати атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан халқаро орган ёки агентлик тузиш тўғрисидаги тақлифни қўллаб-қувватламоқда. У, бундай агентлигини тузиш тўғрисида битимга келиш билан, парчалануви материалларнинг тегишли миқдорини халқаро фондга беришга тайёрдир.

Совет ҳукуматининг фикрича, умумий ишга ўз ҳиссасини қўйишни истаган давлатларнинг ҳаммаси агентликда иштирок қилиши мумкин. Ҳатто, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган муассасаларига а'зо бўлмаган ҳарқандай давлат ҳам атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан тузиладиган халқаро агентликда а'зо бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши ва шундай агентлигини тузишда ташаббусчи бўлиши лозим.

Атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан халқаро агентлик тузишда шу нарсаларга асосланиш зарурки, ҳечбир мамлакатга ёки мамлакатлар тўдасига имтиёз билан ҳуқуқи берила-мас. Агентлик бирор давлат ёки давлатлар гуруписи қўлида бошқа давлатларга ўз фикрини мажбуран ўтказиш учун сиёсий ёки иқтисодий таъйиқ қуроли бўлмаслиги лозим.

Агентлигининг фаолияти давлатлар ҳавфсизлигига зарар етказадиган бўлмаслиги лозим.

Атом энергиясини тинч мақсадлар учун ишлаб чиқариш билан ҳарбий мақсадлар учун ишлаб чиқариш бир-бирига чамбарчас боғланганлигини назарда тутиб ва агентлигининг фаолияти хатарли парчалануви материаллардан фойдаланиш билан чамбарчас боғланган бўлишини назарда тутиб, турли мамлакат вакилларида тузиладиган халқаро органнинг агентлик ишини тегишли равишда кузатиб ва контрол қилиб туришнинг таъминламоқ зарур.

Кузнецов агентлигининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида тузилишини ва ўз фаолияти тўғрисида Хавфсизлик Кенгашига ҳамда Бош Ассамблеяга ҳисобот бериб турадиган бўлишини мақсадга мувофиқ деб айтди, атом энергияси бўйича халқаро агентлигининг устави ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган масалаларини биргаликда қўриб чиқмоқ учун манфаатдор давлатлар экспертларининг кенгашини қайтариш керак, деди.

Совет делегацияси, — деди прараидида СССР вакили, — атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлигини кенгайтирмоқ учун ҳамма имкониятларни ишга солиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бурчидир, деб ҳисоблайди. Бу ишда халқларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш масаласига, атом уруш хавфини йўқотишга лозим бўлган даражада а'тибор берилиши зарур. Бу нарсани шунинг учун ҳам муҳимки, атом қуролини қўлланишни ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш қўйиш атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш ишларида қилинадиган халқаро ҳамкорлигининг муваффақиятли бўлишини энг кўп даражада таъминлаган бўлар эди.

Юқорида айтиб ўтилганларга биноан, совет делегацияси Бош Ассамблея муҳокамага қўйилган резолюция проектини тақдим қилди.

«Бош Ассамблея, фанни ривожлантириш ва одамларнинг фаровонлигини ошириш манфаатларини қўллаб, атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш ишларида халқаро ҳамкорлигини кенг ривожлантиришга катта аҳамият бериб,

атом қуролини қўлланиш ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш қўйиш ҳамда уни давлатларнинг қўроқ-ароқлари қаторидан чиқариб ташлаш атом энергиясини тинч мақсадларда қўлланиш ишларида халқаро ҳамкорлигини кенг ривожлантиришга энг кўп даражада ёрдам берган бўлар эди, шунингдек халқаро кескинлигини юмшатишга ва халқаро ишонч вазиятини вужудга келтиришга ёрдам берган бўлар эди, деб а'тиф қилиб,

атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш масаласида юзасидан илмий-техника информациясини айирболаш ишларида олимларнинг 1955 йил август ойида Женевада бўлиб ўтган кенгашида еришган муваффақиятларини ҳамда давлатларнинг бу соҳадаги ҳамкорлигини давом этдириш ва ривожлантириш истагини мамнуният билан қайт қилиб,

ҳамма давлатларни атом қуролини тақиқлаш тўғрисида битимга келиш мақсадида сарфлаётган куч ва ғайратларини давом этдиришга қайтарди,

атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида халқаро агентлигини тезроқ барпо қилинишига умид билдиради,

атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш масаласида бағишлаб атом қуролининг вақт-вақтида чиқиб турадиган халқаро босма органнинг вужудга келтирилиш мақсадаги мувофиқ деб ҳисоблайди ва беш секретарьга мазкур органини нашир этишни 1956 йил ичида ташкил этишни топширади».

СССР ИТТИФОҚИ ОЛИИ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ЮГОСЛАВИЯДА БУЛИШИ

ДУБРОВНИК, 12 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). СССР Олий Советининг делегацияси бугун эрталаб Требьине шаҳрини кўриб чиқди, ватан учун олиб бориладиган жангларда ҳалок бўлган ва фашистлар терроридан қурбон бўлган кишиларнинг қаролиқ мазорига гулчамбар қўйди ҳамда инструменталь заводни бориб кўрди. СССР Олий Совети делегацияси бориб кўрган заводни қуриш 1951 йилда бошланган эди. Ҳозирги вақтда завод қисман ишга туширилган. Турли жойларда делегация а'золари блан завод ишчилари, инженерлари, техниклари ўртасида қизғин суҳбатлар бўлди. Завод ҳозирлари Совет Иттифоқининг инструментальчилари билан янада яқинроқ алоқа боғланган истаганликларини айтдилар.

Шу бугунроқ СССР Олий Совети делегацияси Дубровника келди, бу қурулган шаҳарнинг хушманзара жойлари ва қадимий ёдгорликлари билан танишмоқда. Делегация 13 октябрь эрталаб парохода тушиб Боку Которскага боради.

Жаҳон касабаси союзлари федерацияси ижроия бюросининг сессияси

БУДАПЕШТ, 12 октябрь. (ТАСС). Жаҳон касабаси союзлари федерацияси ижроия бюросининг 2-нчи сессияси кеча ўз ишчи давом эттирди. Меҳнатқаш хотин-қизларнинг касабаси соҳа қўшқиларини ҳимоя қилиш ва турмуш шароитини яқсिलाш манфаатларини қўллаб қақриштирган жаҳон меҳнатқаш хотин-қизлар конференциясига қўрилатган ташкилий тайёргарлиги тўғрисида Л. Грасси ҳисобот берди.

У айтдики, тайёргарлик комитетининг келини мажасида конференциянинг 1956 йил 14 июнда қақришга қарор қилинди. Музокаралардан кейин жаҳон касабаси союзлари федерациясининг ижроия бюроси тақдим этилган ҳисоботни тасдиқлади. Сессия кун тартибининг биринчи моддасидаги масала, я'ни «халқаро аҳвол ва касабаси союзларининг тинчлик учун, яхши турмуш ва арқилик учун қурашдаги бирлигини ривожлантириш тўғрисида ҳисобот» деган масала юзасидан жаҳон касабаси союзлари федерациясининг беш секретари Луи Сайян доклад қилди. Л. Сайян тўрт давлат ҳукуматлари Бошқалари Женева Кенгашининг аҳамиятига тўғралиб, ўзгарган халқаро вазиятда халқаро касабаси союзлар бирлигини мустақамлаш, касабаси союзлар ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш ва ривожлантириш имкониятлари мавжуддир, деб айтди.

Бу масала юзасидан бўлган музокара-ларда Жаҳон касабаси союзлари федерацияси раисининг ўринбосарлари — Франция Умумий меҳнат конфедерациясининг беш секретари А. Ле Деза ва ВИСПО раисининг ўринбосари Л. Соловьев сўзга чиқдилар.

АНГЛИЯ ҲАРБИЙ КЕМАЛАРИ ОТЯДИ ЛЕНИНГРАДГА КЕЛДИ

ЛЕНИНГРАД, 12 октябрь. (ТАСС). Англия ҳарбий кемалари отряди метрополия флоты қўмондонидан адмирал Майкл Денни байроғи остида бугун Ленинградга келди. Отряд составида «Триумф» авианосеци, «Аполло» миная заградители, «Декой», «Диана», «Нифтей» ва «Шеврон» эскадр миноносцевлари бор.

Совет ҳарбий-денгиз флотининг денгиз овчилари ҳамроҳлигида келган эскадрон миноноссеци сайёр моёк районига Англия кемаларини кутиб олдилар. Совет кемаси 17 марта тўп отиб, метрополия флоты қўмондонидан адмирал Майкл Деннига салют берди. «Триумф» авианосеци бунга жавобан совет эсмисини командир шарафига 7 марта тўп отди.

Англия кемалар отряди Кронштадтга яқинлашганда «Триумф» авианосеци 21 марта тўп отиб миллатлар салюти берди. Авианосеци матасида совет байроғи кўтарилди. Англия кемасининг оркестри СССР Иттифоқи давлат гимнини ижро этди. Кронштадт форти батареялари салютга жавобан 21 марта тўп отдилар.

«Триумф» Кронштадт ёнидан ўтиб бора-туриб ҳарбий-денгиз базасининг командир адмирал И. И. Байков шарафига 17 марта тўп отди. Кронштадт батареяларидан ҳам бунга жавобан 17 марта тўп отилди. Қизил байроқди Кронштадт крепостининг фортидаги ва унинг рейдида турган кемалардан Британия ҳарбий кемалари ўтиб бораётган пайтда совет денгизчилари саф тортиб турдилар.

Англия ҳарбий кемалари отряди кечқурун Невага кириб келди.

«Триумф» авианосеци совет денгизлари-га бу блан иккинчи марта келгизилар. У, 1946 йилда флотига қўллаб келган ва Ҳарбий-Денгиз флоты кучи байрамда қатнашган эди. Ҳозир «Триумф» Англия отряди-нинг фламанг кемасидир. Британия отряди-даги иккинчи кема — «Аполло» миная заградители король флотининг энг тезроқ кемаларидан биридир. «Аполло» 1944 йил февраль ойида ишга туширилган эди. Уруш вақтида бу кема иттифоқий қўшин-ларнинг Европа қит'асига чиққинини тайёрлаш операцияларида қатнашган. «Аполло» Норвегия қирғоқларидаги жанг опера-цияларида, метрополиия суларига бўлган жангларда қатнашган. Тинч океанда бўлган, Имайга районига жадал сафар қилиб борган.

Англиянинг «Диана» эсмисини «Даринг» типкидаги оғир эсмиселарнинг энг янги-сидир.

Денгиз қирогига тўпланган минглаб ленинградлилар инглиз кемаларининг бугун Нева дар'ёсига кириб саф тортиб тура-ётганинига тамоша қилдилар.

Совет ҳарбий кемалари отряди Портсмутга келди

ПОРТСМУТ, 12 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). Совет ҳарбий кемалари отряди бугун дўстлик визити билан Англиянинг Портсмут ҳарбий базасига келди. Отряд составида «Свердлов» ва «Александр Суворов» крейсераи, «Сметинний», «Способный», «Смолитский» ва «Совершенство» эскадрон миноносцевлари бор. Флагман крейсери «Свердлов» тўплари Лондон вақти билан соат 11 да миллатлар салюти бериб 21 марта тўп отди. Бунга жавобан Англия қирғоғидаги крепость тўплари ҳам табрик тўплари отдилар.

Кемалар денгиз тўққинини кутиб рейда саф тортиб турдилар. Отряд қўмондонидан адмирал А. Г. Головкин қирғоққа чиқиб, Портсмут базасининг қўмондония флот адмиралы Жорж Кризи ҳузурида бўлди.

Инглиз ҳарбий флотининг ветерани — Нельсоннинг «Викторий» фрегатида инглиз ҳарбий денгизчилари фахрий қорув-лида саф тортиб турдилар. Флот адмиралы Ж. Кризи адмирал Головкини табриклиди. Адмирал Головкин тантанали марш садолари остида фахрий қоруву одданан юриб ўтди. Сўнгра адмирал Головкин Порте-мут лорд-марш Г. А. Дей ҳузурига борди.


Кундуз соат 3 да, тўққини пасайиши билан кемалар бирин-кетин порта кириб, унинг деворлари одида тўхтайдилар. Кемаларда денгизчилар қатор бўлиб саф тортидилар. Кемаларнинг оркестрлари марш чалиб турдилар. Қирғоқ бўйига тўпланган минг-минглаб инглизлар совет денгизчи-ларини самимий табриқладилар.

Флагман крейсери «Свердлов» қирғоқ бўйига бориб тўхтаганидан кейин, СССР-нинг Англиядаги муваққат ишлар вакили Н. Д. Белохостиков, адмирал А. Г. Головкин, флот адмиралы Ж. Кризи, Портсмут лорд-марш Г. А. Дей тўплар отилиб берила-ган салют остида ва Совет Иттифоқи гим-ни садолари остида крейсерага чиқдилар ва саф тортиб турган денгизчилар одданан юриб ўтидилар. Адмирал Кризининг табри-гага жавобан денгизчилар бир овоздан «ура» деб қичқирдилар. Кема оркестри Буюк Британия гимнини ижро этди.

Қирғоқ бўйига тўпланган Портсмут аҳолиси ва докерлар совет кемаларини катта қизиқиш билан тамоша қилмоқдалар.

Бугун шаҳар ма'мурулари совет офице-рлари ва матрослари учун қабул маросим-лари ҳамда кечалар ўтказадилар.

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ



СССРда меҳмон бўлиб турган Афғонистон футболчиларининг сўнгги ўйини 13 октябрда бўлди. Тошкентдаги «Спартак» стадионида Кобилининг терма командаси Тошкентнинг терма командаси билан учрашди.

Стадион Афғонистон, СССР ва Ўзбекистон СССРнинг давлат байроқлари билан безатилган. Тамошабинлар билан лиқ тўлган трибуналар устига халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстлигини мустақамлашга қаратилган пахлавлар қўйилган.

Командалар стадионнинг кўч майдонига чиқдилар. Тамошабинлар афғон ва ўзбек футболчиларини давомли қарсақлар билан кутиб олдилар. Ўзбекистон СССР Министр-лар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг раиси Р. Исмомов меҳмонларни республиканинг спорт жамоатчилиги номидан самимий табриқлайди.

Спорт делегациясининг раҳбари, Афғонистон олимий комитетининг президенти Муҳаммад Форук Сирож жавоб нутқи сўзлади. У, шаҳар меҳнатқашларига афғон спортчиларини меҳмондўстлик билан қабул қилганликларини учун тамаккур билдириб, СССР билан Афғонистон спортчилари ўртасидаги мустақамлаш бораётган алоқалар тинчликни мустақамлаш ишига хизмат қилади, деб